

Ушбу ҳадис «Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 6-жузида шундай шарҳ қилинган: Имом гапириб, хутба қилиб турган чоғида масжидга кириб келган одам тезда икки рақъат намоз ўқиб олиши ҳақида сўз бораётган бу ривоятни уламолар икки хил таъвил қилганлар.

Баъзилари «Бу намоз Жумъанинг фарзидан олдинги суннат», десалар, бошқалари «Бу намоз таҳийяти масжид намозидир», деганлар.

Умуман, имом хутба қилаётганида намоз ўқиш тортишувли масала, чунки бу ҳақда бошқа ривоятлар ҳам бор. Шунинг учун бу масалани фикҳ китобларидан ўрганиш ва ҳар ким ўз мазҳабига амал қилиши ўртада ихтилоф чиқишини тўхтатади, деб айтилади.

Шу билан бирга, айтиб ўтиш лозим бўлган нарсалар ҳам бор. Ҳанафий мазҳабида имом минбарга чиққанидан кейин намоз ўқиш ҳаром. У хутбани бошлаганида эса саломга алик олиш, акса урганга яхши тилак айтиш, Қуръон ўқиш ва шунга ўхшаган нарсалар ҳам мутлақо мумкин бўлмайди.

Ҳанафийлар бу ҳадисни Пайғамбар алайҳиссалом ҳалиги одамни намоз ўқишга амр қилиб, ўзлари хутбадан тўхтаб турганлари билан изоҳлайдилар.

Дора Қутний Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хутба қилиб турганларида бир киши масжидга кириб келди. Бас, у зот:

«Эй фалончи, намоз ўқидингми?» дедилар.

«Йўқ», деди.

«Тур! Икки рақъат намоз ўқиб ол!» дедилар ва у намоз ўқиб бўлгунича интизор бўлиб турдилар».

Бошқа бир ривоятда:

«То у намозини ўқиб бўлгунича хутбани тўхтатиб турдилар», дейилган.

«Жума ҳақидаги оят ва ҳадис» китобидан